

Ихлос ва риё



07:10 / 27.07.2019 1861

Ало ибн Зиёд айтади: «Бир киши нима иш қилса, доим риё билан қилар эди. Кийимларининг енгини шимариб, кеккайиб юрар, Қуръон ўқиса, овозини баланд қилиб (хўжакўрсинга) ўқир эди. Шунинг учун қаерга борса, одамлар уни сўкиб, лаънат айтишарди. Бир куни Аллоҳ таоло бу бандасига ихлос неъматини ато этди. Шундан кейин у Қуръон ўқиса, овозини пастлатиб ўқийдиган, намозини ҳам ўзи билан Аллоҳ ўртасида сир тутиб адо этадиган бўлди. Энди у қаерга борса, одамлар унинг ҳаққига дуо қиладиган бўлишди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан